

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 27 август, чоршанба • № 68 (10.946) • Эркин нарҳда сотилади

МУСТАҚИЛЛИК – МУҚАДДАС НЕЪМАТ

25 август куни республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Унда тегишли вазирилик, бирлашма, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ижодкор зиёвлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислоом Каримов бошқарди. Мажлисда Мустақиллик байрамини кутиб олишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Халқимиз бу йил Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда, деди Президент мажлисни очар экан. Мамлакатимизнинг Бош майдонидан ўтказилган театрлаштирилган томоша ана шу руҳни акс эттириши, биз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, маънавиятимизда рўй берган ўзгаришлар, қолаверса, халқимизнинг эзгу интилишлари ҳақида ҳикоя қилиши керак. Бу борада биз муайян тажриба тўпладик. Ишонанманки, томошани тайёрлашга мутасадди бўлган ижодкорлар, унда иштирок этадиган санъаткорлар илҳом билан меҳнат қилганлар, бор маҳоратларини ишга солганлар.

миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мустақилликдир. Ислохотлар эса ана шу олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир. У Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарт ва омилдир. Шунинг учун ҳам биз ватандошларимиз онгига мустақилликнинг қадрига етиш тушунчасини синдиришимиз лозим. Токи, ҳар бир инсон мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки ўзига ўзи мен мустақиллик йўлида, уни мустақамлаш борасида нима иш қилдим, деган саволни берсин.

Одатда одам бир нарсани йўқотмаса, унинг қадрига етмайди. У, албатта, йўқотган нараси учун азоб чекиши керак. Халқда, мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас, деган мақол ҳам бежиз тўғилмаган. Биз мустақиллик сўзини баъзан ҳар қадамда тақрирлай вериб, унинг салмоғини тушириб юборамиз. Холбуки, мустақиллик осмондан тушмайди. У тимчасий кураш, қурбонлар эвазига қўлга киритилади. Агар биз Чор Россияси кўшинлари Тошкент ёки Хивани босиб олишида қилган хунрезликлари эсласак, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби миллатимиз гулларининг тақдирини ёдга олсак, бу ҳақиқат янада ой-

УЛУҒ АЙЁМ ШУКУҲИ

ВИЛОЯТИМИЗДА бу қутлуғ кунга тайёргарлик ишлари ниҳосига етди. Энг муҳими бу байрам тантаналаридан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида бу фикр алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, 1 сентябрь биз учун улуг ва буюқдир. Унинг қадри, аҳамияти йиллар ўтган сайин янада салмоқли бўлиб бормоқда. Чунки, ўтган давр халқимизга ўзгаришларни аниқлаш, эмин-эркин яшаш дунёда Ўзбекистон деган салҳоятли давлат, ўзбек деган иқтисодий миллат борлигини намоян этиш имкониятини берди. Биргина мустақилликнинг олтинчи йилида амалга оширилган ишларни кўз олдинга келтириб. Улар қанчалик улкан... Бунда, сўзсиз, Тошкент вилояти меҳнаткашларининг ҳам муносиб хиссаси бор.

Мустақиллик айёми арафасида шаҳар ва туманларда халқ маданиятига хизмат қилувчи ордан ортик турли иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Тошкент, Паркент туманларида барпо этилган бири бирдан гўзал қишлоқ гузарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Чинозда қад ростлаган қишлоқ шифокорлик муассасалари, Бўстонлик, Зағнота туманларида қурилган мактаб ва спорт иншоотлари бунинг бир бўлаги ҳолос. Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик тадбирлари ўтказилди.

Йиғилишда мустақиллик байрамини тайёргарлик ишлари ниҳосига етказилаётганиги, шаҳар ва туманларда белгилан-

Вилоят ҳаёти

ЧИНОЗДА ШУНДАЙ ГАПЛАР

ЧИНОЗ тумани меҳнаткашлари Республика мустақиллигининг олти йиллигини пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Туманда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўйича шу йилнинг ўтган ойларида ибратли ишлар қилинди. Жумладан, «Олмазор» қўргони деҳқон бозори қайта таъмирланиб, 11 та дўкон ва ўш растаси, 100 ўринли чойхона қурилди. Янги Чиноз ҳудудида уч гектар майдонда улгуржисавдо бозори барпо этиляпти. Бу ерда меҳмонхона, автомобиллар тўхтайдиган жой, автомашиналарга техник хизмати кўрсатиш станцияси, ошона, савдо растанлари қурилади.

Тадбиркорлар қуришиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг маблағи ҳисобига 4 та дорихона ва учта новвойхона фойдаланишга топширилди. «Йултушиғ» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ойдин қишлоғида эса етти километр масофага газ қувури тортилди. Умуман, туман бўйича йилнинг ўтган даврида қишлоқларда 2,9 километрлик масофага қувурлар ётқизиilib, аҳоли

Рустам КАМОЛОВ.

1250 ЎРИНЛИ МАКТАБ

БУ йил вилоятимизда бир неча янги мактаб бинолари қурилмоқда. Тошкент туманида ҳам бундай бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти.

Тумандаги Оқунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида қад кўтарилган хашаматли ўқув даргоҳига замонавий лойиҳалардан бири асос қилиб олинди. — Билим ўчоғи 1250 ўқувчига мўлжалланган, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Уткир Махмудов. — Бу ерда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Ҳозир қурилиш

Акрам АЛИЕВ.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон телевидениесининг бир гуруҳ ходимларининг зағиоталиқлар билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Уни телевидение, хатлар, ижтимоий тадқиқот ва таҳлил бўлими ҳамда мазкур туман ҳокимлиги мутасаддилари ташкил этдилар. Телевидение ижодий ходимлари ва халқ таълимининг қизғин суҳбатига айлиниб кетган ушбу анжуманда Эргаш Раимов, Даврон Зунунов, Эргаш

Ўз муҳбиримиз.

ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШИЛДИ

АНГРЕНЛИК йиллар ўтган йили ўз истироҳат боғлари бўлишини орау қилиб юврдилар. Улар ниятларига етишди. Шу йил баҳорда улар турфа иншоотлар, гуллар экиб, барпо этган боғлари шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилди.

Ёз бўйи боғ ҳудудидаги маданий хордик масканлари, савдо, умумий оватланиш шохобчалари таъмирланиб, уларга кўрак қиёфа бахш этилди. Мустақиллик байрами бу масканда «Ёшлик манканлари» деб номланган театрлашган томоша билан бошланади. Санд ВАЛИЕВ.

МАРҲАБО, ФЕСТИВАЛИ

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда нафақат иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, балки халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, бой маданий ва маърифий меросини, бебаҳо маънавий қадриятларини тиклаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буюк бобокалонларимиз Амир Темур ва Улугбек, Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд қилган кенг нишонлангани, қадимий маданият бешикларини — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги юбилейи ҳам бутун дунё миқёсида нишонланаётгани бунинг ёрқин мисолдир.

Мустақил Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам бутун дунёда маданият, жумладан, мусика санъати марказларидан бирига айланмоқда. Истиклол байрами арафасида мамлакатимизда илк бор «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг очилиши бунинг яна бир ёрқин далили бўлади. Бу улкан тадбир халқимизнинг бутун Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалари ва дўстлик ришталарини янада мустақамлабгина қолмай, миллий мусика санъатимизнинг халқаро миқёсда кенг тарғиб этилишига ҳам хизмат қилади. Дикқатга сазовор яна бир жиҳати — бу мусика байрамига нафақат Шарқ мамлакатлари, балки АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Испания, Австралия каби Фарб давлатларидан ҳам ўнлаб санъаткорлар, йирик халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этади.

25 август куни қўқна ва ҳаминша навқирон Самарқанд фестивал иштирокчилари ва меҳмонларини тантанали равишда кутиб олди. — «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали Ўзбекистонда санъатга, умуман, маданиятга катта ёти-

ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА



ТОШКЕНТ туманидаги «Шамсиобод» қишлоғида республика мустақиллигининг олти йиллиги арафасида гузар ишга тушди. «Мирзиё» фирмаси ўз маблағи ҳисобига қурган бу гузарда озик-овқат, хўжалик ва меҳнат дўконлари, дорихона, уй-рўзгор буюмларини ижарага берадиган пункт аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Унинг хизматидан Баҳор, Фурқат, Келес, Шохсувдор маҳаллаларидаги 2200 дан зиёд аҳоли фойдаланмоқда.

СУРАТДА: «Тошкент» жамоа хўжалигининг «Шамсиобод» қишлоғида фойдаланишга топширилган гузар кўриниши; дорихона сотувчиси Муҳаммадхон Файзуллаев хизматда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ ВАТАН ҲАҚИДА

25 август куни Олмалиқ шаҳридаги марказий «Металлургия» уйингоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган қўшиқлар байрами томошабинларнинг қизғин олкишига сазовор бўлди.

Эрта тонгданок бу ерга катта концерт қатнашчилари — пойтахт вилоятининг шаҳар ва туманларидан вакил бўлиб келган «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» вилоят фестивали ва худудий танловларнинг голблари бўлган 200 нафардан кўпроқ қўшиқчилар тўпландилар.

Шу кунги уйингоҳнинг меҳмонлар учун ажратилган ўринлари одамлар билан лиқ тўлди. Яқин орадаги шаҳар ва қўрғонлардан ҳам кўпдан-кўп томошабинлар ўз ҳаммаҳарлари қўшиқларини марок билан тинглаш учун ташриф буюрган эдилар.

Байрам томошалари ёшларнинг «Қамолот-Л» театр-студияси жамоасининг чиқиши билан бошланди. Э. Солихов мусикаси асосида яратилган ажойиб ракс композицияси томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Уч соат давом этган концерт чоғида уйингоҳнинг очик саҳнасида Ватан, жонажон ўлка, Ўзбекистоннинг кўп миллатли меҳнатсевар халқи ҳақидаги қўшиқлар янгради. Республиканинг машҳур ҳамда ҳали ёш бўлган

шоир ва композиторлари асарлари байрамнинг янги бой мусикали мундарижасини ташкил этди. Бал ракси, турли миллат уйинлари ҳаммада ёрқин тавассурот қолдирди. Айниқса, болаларнинг «Илҳом» ракс театри, «Алегра» ва «Ритм» ракс студиялари санъаткорлари намойиш этган томошалар кишилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади, албатта.

Республика ва вилоят «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловининг совриндорлари ва голблари Орифжон Омонов (Бўжа тумани), Санобар Сатторов (Ур-тацирчиқ тумани), Дилноза Исмиаминова (Олмалиқ шаҳри), Бахтиёр Умировларнинг (Бўжа шаҳри) чиқишлари қўшиқлар байрамининг гултоғи бўлди. Саҳналаштирувчи режиссер Фарход Аҳмедов, концертни олиб борувчилар Наталья Хомжова ва Мирсолиқ Соатовларнинг хизматлари байрамнинг муваффақиятли ўтишида асосий омил бўлди.

Вилоят қўшиқ байрамиди вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилбар Жаҳонгирова, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг вакиллари ҳозир бўдилар.

Л. ГОРБУНОВА. СУРАТДА: қўшиқ байрами пайти. В. ГРАНКИН олган сурат.



БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

(ЎзА).

Истиқлол ва истиқбол

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

1997 йил Ўзбекистон Халқ таълими тизимида инқилобий ўзгаришлар даврининг бошланиши бўлиб тарихга киради...

Албатта, мустақилликнинг ўтган олти йили ҳам таълим тизимида, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳаётида ўзига хос из қолдирди...

Ҳаётимизда анъана бўлиб қолган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловлари, ўқувчилар савиясини тест усулида синаш...

Биз вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег ТОЖИЕВ билан мулоқотимиз чоғида ана шу сизинг муҳим масалалар, ютуқлар, муаммолар, режалар хусусида фикр юритдик.

халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар жамоалари энг йўқ йилда янада тўла куч ва ғайрат билан ишлашга...

Янги ўқув йилининг яна бир ва ўта муҳим хусусияти Инсон манфаатларига мос равишда ҳукуматимиз томо-

ларимиз ҳақида алоҳида сўз юритишимиз лозим.

Энди йилнинг ўзига хос янгиликларига келсак, тўғри таъкидлаб ўтдингиз, янги ўқув йили ҳар йилгидан кўп жихатлари билан фарқ қилади...

ЁШЛАРГА БАЙРАМ ЖУДА ЯРАШУР

Халқимиз учун қутлуг сана — Мустақиллик кунининг олти йиллигига санокли кунлар қолди.

Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ҳам бу айёмга катта ҳозирлик қўрди.

— Ёқубжон Турсунович, мустақилликка эришилгандан сўнг ёшларга, уларнинг тарбияси ва маънавиятга эътибор кучайди.

— Олег Ахмедович, истиқлол байрами арафасида турибмиз. Бу сана ҳар биримизнинг қалбимизга жўшқин рух, вужудимизга куч-қувват бахш этмокда.

иш деб қаралар эди. Эндиликда келажақ ворислари бўлимиш ёшлар камолотига устувор масала деб қаралмокда.

Ўтган вақт мобайнида вилоятдаги маданият уйлари, мактаблар, кутубхоналар, спорт иншоотлари рўйхатга олиниб, уларда мунтазам шуғулланиш учун имкониятлар яратилди.

сўзимизнинг далилидир.

— Мустақиллик байрами кунлари «Камолот» жамғармаси томонидан қандай тадбирлар режалаштирилган?

— Катта байрамнинг мустақиллик майдонидан ўтказилиши ҳаммамизга аён. Бундан ташқари, Янгиёул шаҳрида «Ёшлар сайли» тадбири бўлади.

— Жойларда бўлганимизда жамғарма фаоллари туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлар ҳақида ҳам гапириб қолишди.

— Шунинг билан бирга, жамғарма фаолиятини ҳокимликлар, турли жамоатчи ташкилотлар ҳамкорлигисиз тасаввур эта олмаймиз.

Суҳбатдош Жўра МАХМУДОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

нидан кўрсатилган катта ғам-хўрликда ўз ифодасини топди.

— Рўй бераётган катта ўзгаришлар жараёнида август кенгашлири сўзсиз ўзига хос аҳамият касб этганлигининг гувоҳимиз.

— Дарҳақиқат, ҳозир халқ таълими олдига қўйилаётган вазифалар ўз ишимизга танқидий ёндашуви такозо этмокда.

Бундан ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган вилоятимиз

тихонлар яхши самаралар берди. Ақлли машиналарнинг ҳолисилик, ҳаққонийлик билан ёндашуви нафакат ўқитувчилар ёки ўқувчилар турмуши моддий шароитлари яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида «а» 1997 йил 20 август қарори бутун жамоатчилик, айнакча, ўзини ёш авлод тарбиясига бағишлаган минглаб зиёкорлар, фарзандлар бешланган синфга борадиган ота-оналар тўғрисида ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

— Рўй бераётган катта ўзгаришлар жараёнида август кенгашлири сўзсиз ўзига хос аҳамият касб этганлигининг гувоҳимиз.

— Дарҳақиқат, ҳозир халқ таълими олдига қўйилаётган вазифалар ўз ишимизга танқидий ёндашуви такозо этмокда.

Бундан ғамхўрлик ва эътибордан руҳланган вилоятимиз

миз учун қувончлидир. Шу шукҳули бир жараёнда халқ таълими тизимида ишлаётган ходимларга, ўқитувчилар жамоаларига айтадиган сўзларимиз ҳам бўлса керак?

— Албатта. Ҳуқуқий жамиятни барпо этишда ёш авлод тарбиясига ўзини бағишлаган кишиларнинг ўрни ўзгачадир.

— Шунинг билан бирга, жамғарма фаолиятини ҳокимликлар, турли жамоатчи ташкилотлар ҳамкорлигисиз тасаввур эта олмаймиз.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

йили 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташкил этилди.

— Шунинг билан бирга, жамғарма фаолиятини ҳокимликлар, турли жамоатчи ташкилотлар ҳамкорлигисиз тасаввур эта олмаймиз.

— Шунинг билан бирга, жамғарма фаолиятини ҳокимликлар, турли жамоатчи ташкилотлар ҳамкорлигисиз тасаввур эта олмаймиз.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

«Пахта — 97»


КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Вилоятимиз пахтакорлари бу йил 108 минг гектар майдонда ҳосил етиштирдилар.

Вилоят ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси Чиноз туманидаги «Йултушган» жамоа ҳўжалигида ўтказган семинар-кенгашида ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинди.

дироб ўлтра ва хлорат магний кимёвий дорилар етарли миқдорда ҳосил қўйилди.

Рустам КАМОЛОВ.



ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛАРИ ШУҲРАТИ

МДХ мамлакатларида «Ўздэуавто» автомобилларининг шуҳрати тобора ортиб бормокда.

Қўшма корхона дирекциясининг маълумотларига қараганда, шу йил 10 сентябрда қадар «Ўздэуавто»нинг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Кубан ва Челябинскдаги саноат ва техника марказлари учун янги майдан ортик.

Заводда ишлар давом этмокда. Автомобилларнинг рақобат қобилиятини ошириш учун ва ҳаридорларнинг истеҳсолатини яхшилаш олинб, «Тико» ва «Нексиа» машиналарига шиналарни кенг габаритлар, рудий бошқаришга ёрдам берадиган гидро мослама, бошқариладиган қўқорлар ўрнатилмокда.

Қўшмача ана учта янги рангдиги машиналар чакорилмокда.

Каримжон НИЗОМОВ, Ўза муҳбири.

Ўртачирчиқ туманининг «Ангор» фуқаролар йиғини қошида ҳуқуқ тарғиботи бўйича ўқитувчилар, кутубхона ходимлари, маҳалла фаолларидан иборат гуруҳ ташкил этилди.

Равил ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ ФАҲРИЙЛАР БОҒ ЯРАТИШДИ

ҲАЁТДА шунақа ҳолатлар ҳам учрайди. Биров йўқдан бор қилади, биров лоқайдлик орқасида борни йўққа чиқаради.


— Боғни бу аҳволда ташлаб қўя олмаймиз, — деди ўтган йилнинг кузидаги йиғилишда ҳўжалиқнинг янги раиси Обидхўжа Султонов.

Оталар билдирилган ишончдан руҳланиб, энг шимардилар.

— Эътироз йўқ, — деди Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайдахмад Мирзакаримов.

— Раҳмат, отахонлар, — деди яқиндаги учрашув чоғида жамоа ҳўжалиги раиси, — ишингиз ёшларга ибрат бўлди!

Эркинбек ЮСУПОВ.



ЖОНАЖОН ҲАКИМОВ 6 йил тўлапти. Шу ҳақда ўйлар эканми, тарих учун ниҳоятда қисқа, лекин республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган муваффақиятлар босиб ўн йилликларга тенг йўлни босиб ўтганимизга гувоҳ бўламиз.

Истиклолимиз шарофати билан ташкил тонган мамлакатимиз Қуролли қучлари ҳам шу вақт мобайнида мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Маълумки, Қуролли қучларимиз Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилган бўлиб, ҳозир у ўз зиммасига юклатилган ана шу вазифани шараф билан адо этмоқда.

Мамлакатимиз Президент Имом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» деган китобида таъкидлаб ўтганда, давлат мудофаса қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли қучларидир. Бизнинг Қуролли қучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик ма-

ланган бир қанча олий ҳарбий ўқув юрталари, жумладан Тошкент олий умумқўшим мақомидаги битирганлик тўғрисидаги дипломлар ва кўраққа таққилдаган нишонлар топширилди. Қуролли қучлар академиясида ўқиниш муваффақиятли тамомлаганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди подполковник Абдурахимжон Мамажонов. — Бу аjoyиб олий ўқув юртини биринчилар қатори битириш биз, зобитлар учун катта шарафдир. Бу ерда икки йил таҳсил қўрдик. Шу вақт мобайнида тажрибали профессор ва ўқитувчилар бизга назарий билимлар, амалий тажрибаларни кунт билан ўргатишди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йилги байрами арафасида биз, тингловчиларга Ватанини ҳимоя қилиш вазифасини ўргатиш учун куч ва ғайратини ямаган барча кишиларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ КУДРАТЛИ АРМИЯ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

битлар уйда Қуролли қучлар академиясининг ilk бор битирувчиларини кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йилги байрами арафасида дастлабки қалдириқ гуруҳи академияни тамомлагани рамзий маъно касб этди.

Игиллишида Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли қучларининг Олий Бosh қўмондон Имом Каримовнинг академияни битирувчиларга йўллаган табриғи ўқиб эшиттирилди. Зобитларга тантанали вазиятда Қуролли қучлар академиясини битирганлик тўғрисидаги дипломлар ва кўраққа таққилдаган нишонлар топширилди. Қуролли қучлар академиясида ўқиниш муваффақиятли тамомлаганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди подполковник Абдурахимжон Мамажонов. — Бу аjoyиб олий ўқув юртини биринчилар қатори битириш биз, зобитлар учун катта шарафдир. Бу ерда икки йил таҳсил қўрдик. Шу вақт мобайнида тажрибали профессор ва ўқитувчилар бизга назарий билимлар, амалий тажрибаларни кунт билан ўргатишди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йилги байрами арафасида биз, тингловчиларга Ватанини ҳимоя қилиш вазифасини ўргатиш учун куч ва ғайратини ямаган барча кишиларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз раҳбари Имом Каримов таъкидлаганидек, НАТОнинг мазкур дастури коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизimini, жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам вуҷуд-

га келтиришга қаратилган. НАТО билан ҳамкорлик қилиш дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан хабардор бўлиб туриши, бу уюшма доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш имконини беради. НАТО мамлакатларининг тадбирларида, жумладан ҳарбий бўлиналариининг биргаллиқдаги машқурада катнашуши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси қисмларимизнинг жанговар тайёргарлигини оширишга, илгор жанговар тажрибани ўрганиш; яъни пировардида мамлакатимиз мудофаса қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бриоселда НАТО вакиллари билан ўтказилган кўлаб учрашулар, «давра суҳбат»лари, журналистлар билан бўлган матбуот конференциялари Ўзбекистон Қуролли қучлари бўлиналариининг бир гуруҳи жангчиларининг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида иштироки яхши натижалар берганини кўрсатиб турибди.

УМИМ УЧКУНЛАРИ

МАҲМУД ҲОДИ ҲАКИМОВ 1904 йилда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасида туғилди. Зинди оилада ўсди. Кейин рус-тузем мактабиде пухта билим олди. Ана шу ўқув масканида унда шеърятга ҳавас уйғонди. Юқоридеги сатрларда баён этилган мақсад, гоё — 20-йилларнинг бошлари ва ўрталарида ўзбек адабиётига ёниб кириб келган ёш, иқтидорли, қалби фақат эзулиқ билан тўлган Ботунинг бутун ҳаёти ва ижоди мундарижини ташкил этган эди...

Ҳозир Ботунинг икки фарзанди — Эркил Маҳмудов ҳамда Наима Маҳмудовалар Тошкентда истиқомат қилишди. Икковлари ҳам тиббиёт фанлари докторлари, профессорлардир. Ушбу мақола уларнинг қизил империяга мутлақо зид иш қилмаган, аммо унинг беғуноҳ қурбони бўлган захматкаш оталари ҳақида.

Боту рус-тузем ҳамда бошқа мактабларда маълумотли бўлган, 20-йилларда Москва дорилфунунига ўқишга кириб, ўша муҳтима илм-таълим, тарбия олмақда эди... Октябрь тўнтарышдан кейинги дастлабки йилларда Компартия майдонга шундай шорлар билан чиқдики, сирдан улар фақат Россия ва унга қарам ўлка халқларини эмас, балки дунёдаги қўлаб халк ва миллат вакилларининг ҳавасини келтиради: сўзларига ишонтиради, «буоқ келажак» деган аслида таги пуч, аммо аксарии оддий фуқароларнинг юрагига гўлула солаётган гаплар билан эргаштиради... Айниқса — қалби нуқул орзу-ҳавас ва ширин умидлар, катта мақсадлар билан тўлиб юрган ўшлар бу ваъдаларнинг неғизи қуруқ, поҳоддай омонат эканлигини дарҳол пайқамасдилар. Бу ўринда буюқ сиймолар эътиқодига хос яна бир омилни таъкидлаш жоиз. Ҳар қандай тарихий вазиятларда, давлат тузуми, ҳукмрон қандай йўлдан боғатганидан қатъий назар — даҳолар ҳаммша жамият манфаатларини ўз манфаатларидан устуң қўйганлар. Бутун фаолиятлари, турмуш тарзларида шунга оғишмай амал қилишга интиланлар... Биз юқоридеги келтирилган икки сатр шеър Ботунинг 1925 йилда чоп этилган «Умид учкунлари» шеърлар тўпламидан олинган. Бинобарин, бу икки сатр Ботунинг маънавий мероси, бутун адабий фаолияти, давлат, жамоат арбоби сифатидаги қиёфасини тўла ифода этади. Зеро, у кўзини очиб, эс-ҳушини танигандан бошлаб, фақат шўро мафқураси-ю, коммунистлар манфаатига жонини фидо қилди. Эвазига нима олди, дерсиз? Авжи олий маълумотли бўлиб, қатор газе-та ва журналларга муҳаррир, маориф ва-зирлигида вазир муовини, марказкум ва вилоят фирка қўмиталарида ишлаб, тиним-сиз ижодий фаолиятда қайнаб-тошайтган бир пайтда, на шўро, на компартияга зар-рача шубҳа уёқда турсин, танқидий кўз билан қарамаган бир ўзбек зинбисли — бошшевик қотиллар томонидан сабосиз хибсга олиниди. 20-йилларнинг иккинчи яр-мидан то 30-йилларнинг ўрталаригача қа-моқ ва сургунларда хор қилинди. Айрим эсдаликларга қараганда, ёш, етук зинбис Боту Беломорканал қурилишида маҳбу-слар билан бирга оғир ишларда катнаш-ди, ниҳоят, минг афсуски, бу камлик қил-гандай, отиб ўлдирилди...

Мазнавият сарчашмалари

Мининг гуллари кириб ташландими? Бундай қирлик — биз босиб ўтган йўларда қандай қонли излар юракларимизда қор-ра доғлар бўлиб қолганини ёшлар аниқ-роқ идрок этсинлар, токи аждод авлодларимизга қалб-ларидеа хурмат-иззат ҳис-сийатлари жўш урсин, истик-лол ато этган неъматларининг қадрига кўпроқ етсинлар, республикамизнинг бундан бугунги тақдир тўғрисида қучурроқ фикр-мулоҳазалар юритсинлар... Зеро, бирон тўй, байрам, тантаналар, юбилейларни нишонлаш — шунчаки бир кўнгилхушлик қилиб олишни кўзда ту-тмасин, ундан тегишли хулосалар чиқ-риш келажакдаги вазифаларни аниқлаш асосий мақсад бўлгандагина маънавият, маърифат бобидеги олий ниатларимиз-ни амалга ошириш осонроқ кўчади...

Ўтиш лозим. Демократизми, Марказий Осиё халқлари қарийб юз эллик йил-лардан кейин эндигина озодликка — мустақилликка эришган бўлса, нега уни бало-қазодан асраш учун ҳамма-миз жонимизни фидо қилмас экан-ми?! Бунинг учун дастлаб бирдамлик ва тотувлик даркор. Туркистон ҳамма-мизнинг умумий уйимиз, уни ҳамма-миз авайлаб сақлашимиз лозим. Биз-нинг шу кунлардаги энг олий шоири-миз ҳам айна шу бўлиб турибди... Бу осон иш эмас. Бунинг учун фидойи бўлимоқ талаб этилади. Боту бутун бор-лиги билан халк, Ватан манфаатлари, унинг ривожига ўзини бағиш-лаган бир буюқ шахс эдики, биз ҳамон шундай аждодла-римиз билан фахрланамиз...

Шу хислатни буюқ адибимиз Абдулла Қаҳҳор катта журъат билан изохлаб берган эди... қотилларнинг кирдикор-лари очилиб, Қодирий, Фитрат, Чўл-полларнинг меросларини янгидан ўр-ганиш ва энг яхши асарларини нашр этиш масаласини атоқли давлат ар-боби Нуриддин Муҳиддинов майдонга қўйганди. Бу имкониятдан фойдалан-га А. Қодирийнинг туғилганига 70 йил тў-лиши нишонланадиган бўлди. УзФА Тил-адабиёт институтининг мажлислар залидеа озгина одам йигилди. Камини ҳам ўтириб, ҳар бир катталар сўзини жон-қулоқ билан тингларди. Қодирий ҳақида чала-чулға гаплардан қони қай-наб кетган Абдулла Қаҳҳор сўзга чи-қиб, Қодирийдан бошлаб Ботуғача бўл-ган маънавий мерос ҳақида шундай то-шиқ гапирдики, зал ларзага келди. (Бу ҳақда тўла маълумот каминанинг «Ада-бий мерос ва замонавийлик» (F.F. Наш, 1983 й.) китобида берилган, қизқанч-ўрқоқлар қўришлари мумкин).

Хуллас, Боту янги турмушга борли-гини бағишлади. Учраган қийинчилик-ни вақтинча, ўтиб кетадиган нарса, де-гунсиз яхши ҳаётга эришиб бўлмайди, де-ган сўзларни ўзига мақсад қилиб олди ва фаолиятда шунга амал қилишга ин-тилди... Мана бу сатрларга бир эъти-бор қилинг, шoirнинг бутун маъна-вийтини шу қисқа сатрлар камраб ол-гандай туюлади:

**Янги турмуш излаган,
Кўп тўсуққа устаган,
Юксалишни истаган,
Қаршилиқдан қўрмаганай.**

Мазкур шеърини парчада баён қилин-ган гоё-мундарижа ҳамон эскирмайди. Унга ҳозир ҳам эътиқод билан ёндо-шуш мумкин ва лозим. Зеро ўз олий мақсади, иймон-эътиқолида маҳкам ту-риб, унга интиланган шахс — ҳар қандай вазиятда ҳам ўз йўлидан қолмайди, мақсадларини муқаддас бурч деб хи-соблайди... Боту 20-йиллардаги ҳаёт-ини шундай тасаввур этар, ундан бош-қасини тан олмасди. Энди мана бу сат-рларга назар ташланг-чи!

Усди «Умид учкунлари».
Тошди кураш тўлқинлари.
Биров билар, биров билмас,
Биров балки кўзга илмас...
Биров тўлқин тошар, тинмас;
Унинг туюши яшар, синмас.

Қисқача хулоса қилиб, Боту ижоди-нини, унинг бош маънавий меросини ўр-ганиш, унинг бугунги ва эртанги ҳаётим-из учун аҳамиятини илмий назарий жи-ҳатдан очиб бериш, ёшлар маънавия-тини бойитишдаги ролини тўғри шарх-лаш адабиётшунослигимизнинг нават-бадга муҳим вазифаларидан биридир. Ботудаги энг олий мақсад Ватани, хал-қи, миллати раванқини жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардаги халқлар-даражасига кўтаришдан иборат бўлга-нини аниқ мисоллар, далиллар билан талқин этишдан иборатдир. Бу фазилат бугун ҳар қачондаги ҳам зарурроқ, қим-матлироқ бўлиб турибди.

Хориждан хабарлар

● **ВАШИНГТОН.** АҚШнинг Саудия Арабистонидеги эл-чихонаси ушбу мамлакатда истиқомат қилувчи Америка фуқароларини маҳаллий қўрувчилардан эҳтиёт бўлиши тўғрисида оғохлантдири. Маълум бўлишча, маҳаллий тер-рористлар америкалик ҳарбийларга қарши қўрувчилик ишларига тайёрланмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозир Саудия Арабистонидеа 40 мингдан ортик америкалик ис-тиқомат қилади. Улардан 5 ми-нг нафари ҳарбийлардир.

● **ПЕКИН.** Хитой ва Жану-бий Корея мутахассислари ўзаро ҳамкорликда Шандун вилоятида қуриллажак атом станцияси лойиҳасини тас-диқлади.

Мазкур станция қуввати миллион киловаттга эга бўлган иккита энергия блоқидан иборат бўлади.

Маълумотларга қараганда, Жанубий Корея ҳукумати кейинги вақтда Хитой билан энергетика, самолётсозлик, автомобил ва электроника со-ҳаларида ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

● **ЖЕНЕВА.** Бу ерда ўт-казилаётган биологик ку-рорларни таққиш конвен-циясига аъзо давлатларининг наватбадга мажлисида Кубанинг АҚШга давоси мухокама қилинмоқда.

Маълумки, Куба Ташқи ишлар вазирилик АҚШнинг «Биологик ҳужуми» эъни мамлакат ҳудудига яки-ларга офат келтирувчи за-раркунда ҳашоратлар ки-ритгани ҳақида баёнот тар-қатган эди. Ушбу баёнотда айтилишича, ўтган йили 21 октябрда АҚШ самолёти Кубанинг гарбий ҳудудла-ридаги экинзорларга «қан-дайдир» суоқлик селиб ўт-ган. Орадун қўл ўтмай, маз-кур ҳудудни «Трипс-палми-номли» тез тарқалувчи за-рарли ҳашорат босиб ке-тган.

Кейинчалик БМТнинг озиқ-овқат ва иқшол ҳўжа-лиги ташкилоти ушбу за-раркунда ҳашоратларни қўқ қилиш учун Кубага 176 миң АҚШ долларини миқдо-рида маблағ ҳам ажратган эди...

● **СЯНГАН (Гонконг).** Ком-боджаннинг собик биринчи бош вазири Нородом Рана-рит экани орада ўз ватанига қайтиш режасидан ваъа ке-нди. Гонконгда чиқадиган «Саут чайна морнинг пост» газетасига берган интервью-сида Н. Ранарит шундай фи-рқад эканини маълум қилди.

Маълумки, бир қанча вақт муқаддам Н. Ранарит Комбо-джага қайтиб, у ерда ўзига со-диқ бўлиб қолган жангарилар-га йўлбошчилик қилиш ня-тида эканини айтган эди. Ҳат-то у ватанига хавф-хатарсиз ўтиб олиш учун Тайланд ҳу-куматидан ёрдам сўрагани ҳа-қида ҳам хабар тарқалганди.

● **ТОКИО.** Жануби-Шарқий Осиё молия-валюта бозоридеа қирғатётган япон банкларига хавф сола олмайд, деб фир-ка билдирмоқда японлик мутахассислар.

Улар бу холини кўндалагина шарҳламоқда: Япония бан-клари анча вақтдан буюн мазкур ҳудуддаги исталган «кор-хонда» эмас, балки, бу ерда фаолият юрттайтган япон компанияларига кредит берадими. Қолaversа, мазкур ҳу-дуд мамлакатларидеги молия сиёсати ҳам япон банкчи-ларини «қутилмаган фалокатдан» асрайди. Ушбу сиёсат-га мувофиқ, мазкур ҳудудда фаолият юрттайтган хорижий банкларга маҳаллий валюта ёрдамидеа молиявий опера-циялар қилиш таққилланади. Бу эса хорижий банкларини маҳаллий валюта бозорига аралаштидан «ҳимоя» қилади.

Аҳмад АЛИЕВ.

ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИДА — ЯНГИ ФАН

Бўлажак ҳар бир мутахассис ўз касбининг моҳир устасига эмас, шу билан бирга демократик ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш пойдеворида қирилган янги ҳақиқатнинг фаол аъзоси бўлиши лозим.

Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида янги ўқув йилидан бошлаб бу ислохотга қўмақлашадиган бир қанча янги фанлар жорий этилади. Уларнинг орасида «Инсон ҳуқуқлари» ва «Амалий икхисодиёт» деган иккита махсус курс ҳам бор.

Янги фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш учун ТошДУ ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида қисқа муддатли махсус курслар ишлаб турибди. Бу курсларнинг тингловчилари ўқиш тугаганидан сўнг ўзига хос имтиҳон-суҳбатдан ўтгач, иш бошлаш имкониятига эга бўладилар.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ХОРАЗМЛИК БОЛАЛАР МИННАТДОР

ХОРАЗМ вилоятининг экологик нуқулдай ҳудудларидан келган 900 нафарга яқин ўғил-қизлар ёғи таътиллари Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларидаги «Ғунча», «Нарғиз», «Сумдак» каби сўлим оромгоҳларда мазза қилиб ўтказдилар.


— Фарзандларимиз хордиги мазмуни ва кўнгилдагидек ташкил этилганлигидан бениҳоя хурсандми, — деди тарбиячи Муборак Саъдуллаева ўз миннатдорчилигини изҳор этар экан. — Оммавий, маданий, ташкилий ишлар даражаси бизга маъқул бўлди.

Будир ПўЛАТОВ.

«ИСТЕЪДОД» РУКНИ ОСТИДА

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 34 нафар ёш қалам соҳибининг «Истеъдод» рукни остидаги китоблари тақдими бўлди. Бу китоблар Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси тизимидagi нашриётлар томонидан чоп этилди.

(ЎЗА).



ФАТХ ЖОНИНИ АСРАГАН ҒОР

ҚАДИМГИ аббосийлар сулоласи халифалари Бағдод шаҳрида турар эдилар. Уларнинг ўзини халифаси Мутаваккилни Фатх исми билан аташган эди.

МУҲАММАД САҲОВАТИ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ҳамма кемачилар Фатхни излашга киришдилар. Бир кемачи у ётган ғорга келиб қолди. Ғорда ўтирган Фатхни кўриб, жуда шодланди.

ҲИММАТИ ҚАДР ТОПДИ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, эртаси кун бир киши халифа ҳузурига келиб, ҳар кун дарёга нон оқизиб турганини айтиб, нонларга ёзилган жумлани дадил этиб кўрсатди.

— Мен бобомдан «Яхшилик қилиб, дарёга ташласанг ҳам, албатта, бир кун сенга фойдаси тегади» — деб ашитган эдим.

Шунақаси ҳам бўлади

МАШҲУР «ИККИ»ЧИЛАР

Истеъдодли болаларда ҳаммаса бир нуксон бўлади. Баъзилари тугилиб гапирса, айримларининг хотираси паст, ёвуллари хунук, ўқувдан, ҳисоб-китобдан оладиган баҳолари иккидан ошмайди.

АНТИКА РАҚАМ

Қўпгина элларда 13 рақамини омадсизлик тисмоли, деб айтадилар. Ана шу сабабли чет эллардаги қўпгина меҳмонхоналарда ҳисоб бўйича 13-қават умуман йўқ.

Митти ёқутчалар

сувда сузишни ўрганишга ҳавас қиларди. Кемачилар унга Дажла дарёсида сузишни ўргатдилар.

Кунлардан бир кун Фатх Дажла дарёсида сузиб, ўз хунарини кўрсатмоқчи бўлди. Шунинг билан ҳеч кимга сездирмай дарё қирғоғига бориб, ўзини сувга ташлади.

Фатхнинг сувда оқиб кетганини кўрган одамлар бу воқеани дарҳол Мутаваккилга хабар берган эдилар. У ҳамма кемачиларни чақириб, Фатхни топиб келтиришга буюрди.

— Мен ғорда бир ҳафта турдим. Ҳар кун бир идиш ичига жойланган йиғирматча нон сув юзида оқиб келарди.

Шу йил 21 август кунини вилоят божхона ходимлари Чиноз тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан бирга 1-Яллама божхона бекатида ўз хизмат ва зифаларини бажарётган эдилар.

— Ҳар кун дарёга нон оқизадиган киши ўзини маълум қилсин, халифа унинг иззат-хурматини бажо келтириб, инъом-эхсон билан хурсанд қилдилар.

БОШКОТИРМАНИ КИМ ЧИҚАРГАН?

Айтишларича, биринчи бошкотирмани Артур Винн деган киши ўйлаб топиб «Уорлд» газетасининг 1913 йил 21 декабрь сонида эълон қилган экан.

1924 йилда АКШда бошкотирмаларни тўплаб, биринчи марта китоб ҳолида чиқаришди.

Бошкотирма ақушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти жамоаси тиббиёт фанлари доктори, профессор Раъно Ходжаева Ходжаева турмуш ўртоғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Хошимжан Сабурович САБУРОВНИНГ вафот этганини муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Баҳодир ҲАБИБ ВАЛИ тайёрлади.

Божхона бекати НИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШМАДИ

Шу йил 21 август кунини вилоят божхона ходимлари Чиноз тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан бирга 1-Яллама божхона бекатида ўз хизмат ва зифаларини бажарётган эдилар.

Давлат божхона қўмитаси раиси буйруғи билан зийрак божхона ходимларининг ҳар бири беш ойлик маоши микдорида пул муқоти билан рағбатлантирилдилар.

Мирқарим МИРСОУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлими бошлиғи, 2-даражали божхона маслаҳатчиси.

МУҲТАШАМ БИНО МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

ИСТИҚЛОЛ шарофати туфайли барча жабҳаларда муваффақиятга эришадиган юртимиз ахли спорт соҳасида ҳам янгидан-янги имкониятларга эга бўлиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Яқинда пойтахтимизнинг сўлим ғўшасида қад ростлаган «Юнусобод» ёпиқ теннис корти ҳам тенниссеварларни ўз бағрига қорлайди.

— Мамлакатимизда спортнинг ўзига хос мавқега эга бўлишида юртимиздаги юрғузёвчан бугунги сивбатнинг аҳамияти бекиёсдир.

Дарҳақиқат, «Юнусобод» теннис клуби жамоаси-рақиблардан тортиб оддий ишчиғача ўтказилайлик мусобақага келувчи меҳмонларнинг кўпи ошди.

Тўхфа

Ўринда турадиган бир иншоот ҳақон стандартлари тула жавоб бера олади, деб ишон билан айта оламиз.

Биз бошқарувчи директордан 8-15 сентябрь кунлари ўтказиладиган анъанавий теннис мусобақасига қандай тайёрликни қўрилайтир, деб сўраганимизда, у киши «ҳамма иш билан банд» — дея қисқа жавоб қилди.

Биринчи табақа жамоалари қисқа муддатли (ун кунлик) танарфус-танарфусида ўйнаган Равшан Бозоров ҳам жамоаларни узаган тўпни поғинага етказиши интиди.

ҲУЖУМ — ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари Қибрайдаги ўйингоҳда ҳақон биринчилигининг иккинчи босқич саралаш ўйинларига тарраҳуд қўришмоқда.

Дам олиш кунини эса «Пахтакор» ўйингоҳида ўйнаган футболчилар билан кечкиртилган ўрашув бўлиб ўтди.

Футболда 1+3+2+5, 1+4+2+4 бўлиб ўйнаш усуллари ўз даврида шухрат қозонган. Вақт ўзгарди. Услуб ҳам.

Ушбу услубнинг асосида ўтказилган мусобақаларда катта зафар қўшиди. Жумладан, Санкт-Петербург шаҳрида таъкивдод бўлиб ўтказилган ҳақон биринчилигида Владислав Нам, Илхом Шомансуров, Алевтин Ким, Евгений Кан, Луиза Сагитова, Феруза Султонғарева, Инна Ҳегай, Лида Гаврилова, Моисей Нагайлар медаллар билан тақдирландилар.

БУ САФАР АКСИ БЎЛДИ

МУҲЛИСЛАРИНИНГ мадади ила ўз майдонинда ўйнаган жамонинг сўзсиз руҳий усталиги бўлади.

УН БИТТА ўрашувнинг 6 та сонида меҳмонлар галабага эришдилар.

Чирчиқнинг «Кимёгар» клуби эса «Зафар»ни 1:0 ҳисобида енғишти.

«ЖАҲОН ҲИМНАСИ» ГОЛИБИ

ФИНАЛДАНИНГ Лахти шаҳрида олимпиада дастурига киритилмаган спорт турлари бўйича «жаҳон ўйинлари» мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

«ЖАҲОН ҲИМНАСИ» ГОЛИБИ

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

«ЖАҲОН ҲИМНАСИ» ГОЛИБИ

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақанинг асосий мусобақаси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тошкентлик Елена Савелева батутда сакрашда олтин медал таъкивдод бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ • ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўричилиги учун эълон ва эълон берувчилар масъулдир.